

Президент таълим муассасалари
агентлиги директорининг 2021 йил
“26” 10 даги 129 А/-сон
буйргуга 5-ИЛОВА

**Ўзбекистон Республикаси Президент таълим муассасалари
агентлигининг Жамоатчилик ва оммавий ахборот воситалари билан
алоқалар бўлими тўғрисида
НИЗОМ**

1-боб. Умумий қоидалар.

1. Ушбу низом Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 27 июнданги ПҚ-4366-сон “Оммавий ахборот воситалари мустақиллигини таъминлаш ҳамда давлат органлари ва ташкилотлари ахборот хизматлари фаолиятини ривожлантириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”, 2019 йил 9 сентябрдаги ПҚ-4444-сон “Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси хузуридаги Президент, ижод ва ихтисослаштирилган мактабларни ривожлантириш агентлиги фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида” ҳамда 2021 йил 19 июлдаги ПҚ-5188-сон “Президент, ижод ва ихтисослаштирилган мактаблар фаолиятини янада такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарорларига мувофик Ўзбекистон Республикаси Президент таълим муассасалари агентлигининг (кейинги ўринларда - Агентлик) Жамоатчилик ва оммавий ахборот воситалари билан алоқалар бўлими фаолияти тартибини белгилайди.

2. Жамоатчилик ва оммавий ахборот воситалари билан алоқалар бўлими (кейинги ўринларда – Бўлим) Президент таълим муссасалари агентлигининг мустақил таркибий бўлинмаси ҳисобланади ҳамда бевосита Агентлик директорига бўйсунади.

3. Бўлим ўз фаолиятида Ўзбекистон Республикаси Конститутциясига, “Давлат ҳокимияти ва бошқарув органлари фаолиятининг очиқлиги тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ва Ўзбекистон Республикасининг бошқа қонунларига, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис палаталарининг қарорларига, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари ва фармойишларига, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ва фармойишларига ҳамда ушбу Низомга амал қиласди.

4. Бўлим ўз фаолиятини давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг тегишли бўлимлари билан ўзаро яқин ҳамкорликда амалга оширади.

2-боб. Бўлимнинг асосий вазифалари ва функциялари

5. Куйидагилар бўлимнинг асосий вазифалари ҳисобланади:

Агентлик фаолияти ҳақида оммавий ахборот воситалари, ижтимоий тармоқлар, Агентликнинг расмий веб-сайти, шунингдек, бошқа ахборот ресурслари орқали, шу жумладан матбуот анжуманлари, брифинглар,

медиатурлар ташкил этиш йўли билан аҳолига мунтазам, тўлиқ ва тезкор равища ахборот тақдим этиб бориш;

Агентликда мамлакатимизнинг ижтимоий-сиёсий ва социал-иқтисодий тараққиёти жараёни ҳакида ахборот бериш ва ёритиш бўйича чора-тадбирлар ишлаб чиқиш ва амалга ошириш;

Агентликнинг ижобий имижини шакллантириш ва илгари суриш, ижтимоий сўровлар ўтказиш ва бошқа шаклларда жамоатчилик фикрини ўрганиш;

ахборот сиёсати соҳасида зиммасига юкланган вазифаларни амалга оширишда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси хузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги билан самарали амалий ҳамкорликни йўлга қўйиш;

оммавий ахборот воситалари билан самарали ҳамкорлик қилиш, ахборот хизматлари билан доимий ишловчи журналистлар ва блогерлар доирасида тезкор маълумотларни тарқатиш, шунингдек, норматив-ҳуқуқий хужжатлар лойиҳаларини муҳокама қилишда кенг аҳоли қатламларининг иштироқини таъминлаш мақсадида эксперталар гуруҳини шакллантириш;

мунтазам равища оммавий ахборот воситаларида Агентлик раҳбарларининг чиқишлигини ташкил этиш;

ахборот макони мониторингини олиб бориш ва таҳлил қилиш, танқидий ва кенг муҳокама қилинаётган ахборот хуружларига тезкор муносабат билдириш, оммавий ахборот воситалари ва Интернет тармоғида Агентлик фаолиятига алоқадор ахборотни тарқатиш бўйича ишларни ташкил қилиш;

давлат органлари ва ташкилотлари билан биргаликда маҳаллий ва хорижий оммавий ахборот воситалари орқали тарқатиш учун хабар, маълумот, шарҳ ва бошқа ахборот-таҳлилий материаллар тайёрлаш;

Агентликнинг фаолияти тўғрисида жамоатчилик фикрини, миллий ва хорижий оммавий ахборот воситаларининг позициясини ўрганиш, долзарб тақлифлар ишлаб чиқиш ва улар тўғрисида Агентлик раҳбариятига ахборот бериб бориш;

Агентлик фаолиятини хорижий оммавий ахборот воситаларида сифатли ёритиш мақсадида ваколатли вазирликлар ва идоралар орқали Ўзбекистон Республикасининг хориждаги дипломатик ваколатхоналарини, шунингдек, хорижий мамлакатларнинг Ўзбекистондаги дипломатик ваколатхоналарини ахборот материаллари (босма маҳсулотлар, фото-, аудио-, видеоматериаллар ва ҳ.к.) билан таъминлаш;

Агентликнинг ваколатига кирувчи норматив-ҳуқуқий хужжатларнинг лойиҳалари ҳамда уларнинг тасдиқланган матнларини белгиланган тартибда расмий веб-сайтда жойлаштириш;

Агентликнинг фаолиятига алоқадор матнли, фото-, аудио- ва видеоматериаллардан иборат маълумотлар базасини шакллантириш ва янгилаб бориш.

6. Бўлим юклатилган вазифаларни амалга ошириш учун қуйидаги функцияларни бажаради:

ОАВларда, шу жумладан, интернет тармоғида ахборот эълон қилади, шунингдек, уларнинг веб-сайтларда жойлаштириш ва янгилаб боришни таъминлайди;

Агентликнинг раҳбарияти иштирокида тадбирлар (мажлислар, йиғилишлар, учрашувлар, матбуот анжуманлари, брифинглар, семинарлар, давра сұхбатлари ва бошқалар)ни ташкил этади ва ўтказади;

ОАВлар ва журналистларнинг сўрови асосида уларга оғзаки ва ёзма шаклда, шу жумладан, электрон шаклда ахборот тақдим этади;

бўлим олдида турган вазифаларни самарали ҳал этиш учун зарур бўлган ахборотни Агентликнинг бошқарма ва бўлимлари билан ҳамкорликда тўплайди ва уларни пухта ишлайди;

Агентлик фаолиятига доир масалалар бўйича босма материалларни тайёрлайди ҳамда миллий ва хорижий нашрларда эълон қилади, телекўрсатувлар ва радиоэшиттишларни ташкил этади;

Агентлик фаолиятига доир масалалар бўйича жамоатчилик фикрини ҳамда миллий ва хорижий оммавий ахборот воситалари позициясини ўрганишга доир таҳлилий ишларни амалга оширади, ахборот бериш учун эълон қилинган долзарб материаллар шарҳларини тайёрлайди;

ОАВлар билан ахборот-маълумотнома алмашиш ишларини амалга ошириш учун Агентлик фаолиятининг асосий йўналишлари бўйича таҳлилий, статистик ва бошқа материалларнинг тизимлаштирилган маълумотлар банки ташкил этилиши ва юритилишини таъминлайди;

Агентлик фаолиятини тўлиқ ва холисона ёритиш мақсадида миллий ва хорижий ОАВлари ҳамда журналистлар билан ҳамкорликни амалга оширади;

Агентликнинг веб-сайтини замонавий даражада юритилишини таъминлайди;

Агентлик томонидан ташкил этиладиган расмий тадбирларни, теледастурлар, роликлар ва лавҳалар тайёрлашда ва уларни монтаж қилишда иштирок этади ҳамда ушбу материалларни белгиланган тартибда саклаш учун уларнинг архивлаштирилишини таъминлайди;

Агентлик фаолиятига доир фото, аудио ва видеоматериалларни тайёрлайди ҳамда уларни тайёрлаш жараёнида давлат ва нодавлат ОАВлари билан ўзаро ҳамкорлик қилади.

7. Бўлим ўз ваколатлари доирасида миллий ва хорижий ахборот агентликлари ҳамда ОАВларнинг Агентлик фаолияти тўғрисидаги материалларни тайёрлашда кўмаклашиш тўғрисидаги буюртманомаларини ва сўровларини кўриб чиқади.

3-боб. Бўлимнинг ҳуқуқлари ва жавобгарлиги

8. Бўлим ўзига юклатилган вазифалар ва функцияларни бажариши учун қуйидаги ҳуқуқларга эга:

Бўлимнинг вазифалари ва функциялари бажариш учун зарур бўлган ахборотни бошқарма ва бўлимлардан белгиланган тартибда сўраб олиш;

Агентлик йиғилишларида, мажлисларида ва бошқа тадбирларида қатнашиш;

қўйилган вазифаларни бажариш учун Агентлик раҳбари билан келишган ҳолда бошқарма ва бўлимлар ходимларини жалб этиш, шунингдек, бошқа ташкилотлар мутахассислари ва малакали экспертларини жалб этиш;

раҳбариятнинг топшириғига кўра давлат органларида республика ва ҳалқаро аҳамиятга эга бўлган тадбирларда бўлим ваколатига тааллуқли масалалар бўйича Агентлик номидан вакиллик қилиш;

ўз ваколатлари доирасида босма нашрларни нашр этиш;

Агентликнинг ахборот сиёсатини такомиллаштиришга доир таклифларни, бўлим фаолияти масалалари бўйича ҳуқуқий-норматив ҳужжатлар лойиҳаларини кўриб чикиши учун раҳбариятга киритиш.

9. Бўлим қуидагилар учун жавобгар ҳисобланади:

ўзига юклатилган вазифаларни сифатли ва ўз вақтида бажарилиши;

Агентлик фаолиятининг миллий ва хорижий ОАВларда холисона, сифатли ва тезкор ёртилишини таъминлаш.

4-боб. Бўлим фаолиятини ташкил этиш

10. Бўлим учта штат бирлигидан иборат бўлиб, бўлим бошлиғи, бош мутахассис ва етакчи мутахассис фаолият юритади.

Бўлим ходимлари Агентлик директори томонидан лавозимга тайинланади ва лавозимидан озод этилади.

Бўлим ходимлари олий маълумотга эга бўлган шахслар орасидан лавозимга тайинланади.

Бўлим бошлиғи:

Ахборот ва оммавий коммуникациялари агентлиги билан келишилган ҳолда Президент таълим муассасалари агентлиги директори томонидан лавозимга тайинланади ва лавозимидан озод қилинади.

Бўлим фаолиятига бевосита умумий раҳбарлик қиласи, Бўлим ишларини ташкиллаштиради, йўналтиради ва назорат қиласи;

бир вақтнинг ўзида Агентлик директорининг матбуот котиби ҳисобланиб, ахборот сиёсати масалалари бўйича директор маслаҳатчиси мақомига эга бўлади ҳамда меҳнатга ҳақ тўлаш, тиббий ва транспорт хизмати кўрсатиш шартларига кўра директор ўринбосарига тенглаштирилади;

ҳар уч йилда Ахборот ва оммавий коммуникациялари агентлигига атtestациядан ўтади;

Бўлимга юклатилган вазифа ва функцияларнинг бажарилиши учун шахсан жавоб беради;

ўз ваколати доирасида тегишли ҳужжатларни имзолайди.

(3-банд, Президент таълим муассасалари агентлигининг 08.10.2021-йилдаги 118-АФ-сонли буйруғи)

Бўлимнинг иш режалари ишлаб чиқилишини таъминлайди, уларни тасдиқлаш учун киритади, уларда кўрсатилган вазифалар ва тадбирларнинг ўз вақтида ва сифатли бажарилишини таъминлайди;

11. Бўлим ўз фаолиятини ходимларнинг лавозим йўриқномасида белгиланадиган меҳнат тақсимотига асосан амалга оширади.

Бўлим ходимларининг лавозим йўриқномаси директор томонидан тасдиқланади.

12. Бўлим ходимлари ўзларининг хизмат вазифаларини бажариш вақтида, юклатилган ваколатлар доирасидан четга чиққанликлари, шунингдек қонунга хилоф ҳаракат ёки ҳаракатсизлиги, хизмат (лавозим) вазифаларини бажармаганликлари ёхуд лозим даражада бажармаганликлари учун қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда интизомий ёки бошқа жавобгарликка тортилади.

5-боб. Якуний қоидалар

13. Бўлим қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда қайта ташкил этилади ва тугатилади.

14. Низомда акс эттирилмаган масалалар юзасидан вужудга келган муаммоли вазиятлар қонун ҳужжатларига мувофиқ ҳал этилади.

15. Ушбу Низом талаблари бузилишида айбдор бўлган шахслар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда жавоб берадилар.